# ҚАДРДОНИМИЗ Н. С. ХРУШЧЕВ БОШЧИЛИГИДАГИ ЛЕНИНЧИ ПАРТИЯМИЗ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 76 (2624).
17 АПРЕЛЬ ЖУМА 1964 йил.
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.



КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ.

И. Филатов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

*СССР Олий Советн Президиумининг Фармони*

## ЎРТОҚ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик жамият қуришда, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини ривожлантиришда, ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишда ва Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари учун, Улуғ Ватан уруши даврида гитлерчи босқинчиларга қарши курашдаги ғоят катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА унинг туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль.
1964 йил 16 апрель.

# ЎРТОҚ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШЧЕВГА

Қадрдон дўстимиз ва ўртоғимиз!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети етмиш ёшга тўлган кунингизда Сиз, содиқ ленинчини, Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг атоқли арбобини, империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун мард курашчини самимий ва қизғин табриклайдилар.

Қаҳрамон ишчилар синфининг шонли фарзанди бўлган Сиз, Никита Сергеевич, эски Россия пролетарлари меҳнат ва курашининг оғир йўлини босиб ўтдингиз. Сизнинг онгли ҳаётингиз ленинчи партиянинг, улуғ халқимизнинг революцион фаолияти билан чамбарчас боғланган. Граждандар уруши йилларида Сиз Қизил Армияда сиёсий ишда бўлган чоғингизда қўлга қурол олиб интервентларга ва оқ гвардиячи контрреволюцияга қарши жанг қилдингиз. Гражданлар уруши тамом бўлганидан кейин Сиз кўп йиллар мобайнида Украина ССР ва Ватанимизнинг пойтахти Москва партия ташкилотларига раҳбарлик қилиб, ўзингизнинг бутун куч-ғайратингизни социалистик қурилишга бағишлаб келдингиз.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида Сиз партиямизнинг бошқа арбоблари билан биргаликда бевосита жанг фронтларида бўлиб, совет жангчиларининг гитлерчи босқинчиларга қарши фидокорона курашига раҳбарлик қилдингиз. Сиз ҳаракатдаги армиянинг бир қанча фронтлари Ҳарбий советларига аъзо бўлиб, Волгоград, Курск ва Орёл остоналаридаги тарихий жангларда ва бошқа жангларда асосий ҳарбий операцияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ғоят актив қатнашдингиз.

Сиз бундан ўн йилдан кўпроқ вақт илгари якдиллик билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайландингиз ва 1958 йилдан буён Совет ҳукуматига бошчилик қилиб келмоқдасиз. Сиз ана шу энг муҳим постларда ишлаб, партия ва совет халқи олдидаги энг мураккаб ва энг масъулиятли бурчларингизни ҳормай-толмай зўр ғайрат билан бажариб келмоқдасиз.

Партиямиз ўзининг XX съездида Сизнинг ташаббусингиз билан шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларини тугатиш, партия ва давлат фаолиятининг ленинча принципларини тиклаш ва ривожлантириш, коллектив раҳбарликни амалга ошириш йўлига қатъий ўтиб олди. Партия бу йўлни бутун партия томонидан тор-мор келтирилган ва якдиллик билан қораланган антипартиявий группага қарши шиддатли курашда амалга оширди. Сиз давлат ва партия ҳаётининг ленинча нормалари тантанаси учун курашда нақадар катта роль ўйнаганингиз ва революционер-ленинчига хос нақадар зўр мардлик кўрсатганлигингиз яхши маълум.

Ватанимизнинг коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврга кириши партиядан янги назарий проблемаларни ижодий тарзда ишлаб чиқишни, коммунизм сари ҳаракатнинг илгари ҳеч ким томонидан синаб кўрилмаган йўлларини илмий асосда белгилаб беришни талаб этди. Сизнинг раҳбарлигингиздаги Марказий Комитет партиянинг тўғри бош йўлини ишлаб чиқмоқ учун воқеаларни чуқур англаши, революцион жасорат ва ленинча донолик билан иш кўриши керак эди. Улуғ Ленин тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз олдида турган тарихий вазифаларни бажаришга қодир эканлигини кўрсатди, Маркс-Энгельс-Ленин улуғ таълимотига таяниб, замонамизнинг энг мураккаб назарий ва сиёсий проблемаларини муваффақиятли ҳал этди ва ҳал этмоқда. Партия Сизнинг бевосита иштирокингиз билан СССРда коммунизм қуриш программасини ишлаб чиқди ва бу программани ўзининг XXII съездида қабул қилди. Бу программа марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришда янги босқич бўлди. Қардош коммунистик ва ишчи партиялар КПСС Программасини ҳозирги даврнинг коммунистик манифести деб атадилар.

Турмуш партиямизнинг назарий установкалари, партиянинг бош йўли ва унинг амалий фаолияти тўғри эканлигини тўла тасдиқлади.

Мамлакатимизда ўтган чинакам улуғ ўн йиллик мобайнида саноат ва қишлоқ хўжалигида, экономикага раҳбарлик қилишда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар халқ хўжалигини ғоят тез суръатлар билан ривожлантиришни таъмин этди. Никита Сергеевич, Сиз хўжалик ва маданий қурилиш, фан ва техникани ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришнинг етилган масалалари билан, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари билан қандай зўр ғайрат, қандай буюк ташкилотчилик таланти кўрсатиб ва ишнинг кўзини яхши билиб, шуғулланаётганлигингизни партия ва бутун совет халқи яхши билади.

Халқ билан мустаҳкам алоқа, битмас-туганмас ташаббус ва ғайрат, турмуш процессларини чуқур таҳлил этиш ва эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлмай, асл мақсад — коммунизм сари тобора тез ҳаракат қилиб бориш иштиёқи — Сизнинг кўп қиррали бутун фаолиятингиз учун характерлидир. Қадрдон Никита Сергеевич, Сизнинг бутун ҳаётингиз Ленин партиясига ва совет халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Партия Сизнинг раҳбарлигингизда Ватанимизнинг иқтисодий, мудофаа ва ғоявий-сиёсий қудратини мисли кўрилмаган даражада оширишни таъминлади ва халқ фаровонлигини юксалтиришда жуда катта муваффақиятларга эришди.

Ўтган ўн йил СССРнинг ленинча принципиал ва пухта тинчликсевар ташқи сиёсати буюк ҳаётий кучга эга эканлигини исбот қилди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрўси, унинг замонамизнинг туб проблемаларини ҳал этишдаги роли ҳар қачонгидан кўра юксак даражага кўтарилди. Никита Сергеевич, барча халқлар Сизнинг тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун, мустамлакачиликни тугатиш учун, ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун курашга қўшаётган ғояг катта ҳиссангизга юксак баҳо бермоқдалар.

Коммунистик партия марксизм-ленинизм принциплари асосида социалистик системадаги мамлакатлар ҳамдўстлигини, жаҳон коммунистик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида жуда кўп иш қилди ва қилмоқда. Ана шу принциплар қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳужжатларида — 1957 йилги Декларацияда ва 1960 йилги Баёнотда янада ривожлантирилди. Никита Сергеевич, КПСС Марказий Комитети Сизнинг раҳбарлигингизда ленинча принципларга таяниб, ревизионизм, догматизм, сектантликка, неотроцкизмга қарши, марксизм-ленинизмнинг поклиги учун, халқаро коммунистик ҳаракат сафларини мустаҳкамлаш учун муросасиз кураш олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Сизнинг раҳбарлигингизда амалга ошириб келаётган ленинча ички ва ташқи сиёсат партиямиз билан бутун совет жамиятининг монолит бирлигини янада кўпроқ мустаҳкамлади, мамлакатимиз барча халқларининг экономикаси ва маданиятини равнақ топтирди, барча миллат меҳнаткашларини коммунизм қурувчиларнинг ягона қардошлик коллективига жипслаштирди.

Сизнинг Ватанимиз ва бутун прогрессив инсоният бахт-саодати йўлидаги фаолиятингиз совет халқининг, бутун жаҳон меҳнаткашларининг самимий миннатдорчилиги, иззат-ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Қадрдон Никита Сергеевич!

Сизнинг шонли юбилейингиз кунида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, кўп йил умр ва улуғ Ватанимиз равнақи йўлида, социализм ва коммунизм ишининг тантанаси йўлида янги зафарлар тилайдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

1964 йил 17 апрель.

Суратларда: (чапдан) 1. Н. С. Хрушчев КПСС XXII съезди минбарида. 2. Никита Сергеевич машҳур жўхорикор Любовь Лига Ленин ордени топширмоқда. 3. Н. С. Хрушчев Херсон областининг Скадовск ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Радянська Украина» колхози жўхорикорлик звеноси бошлиғи А. Ф. Серик билан суҳбатлашмоқда. (1963 йил, сентябрь).







